

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 82-ҳадис

82 - الرَّابُعُ : عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَدْخُلُ الْجَنَّةَ أَقْوَامٌ أَفْنَدَتْهُمْ مِثْلُ أَفْنَدَةِ الطَّيْرِ» رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2840].

قِيلَ: مَعْنَاهُ مُتَكَلِّمُونَ، وَقِيلَ: قُلُوبُهُمْ رَقِيقَةٌ.

82. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Жаннатга шундай қавмлар кирадики, уларнинг қалби күшнинг қалбига ўшаган бўлади», дедилар».**

*Ином Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** Яъни уларнинг қалблари күшнинг қалби каби юмшоқ ва мулойим бўлади. Бошқа ҳадисда: «Хузурингизга Яман аҳли келди. Улар энг кўнгли юмшоқ, энг қалби мулойим одамлардир», дейилган.

Баъзилар хавфсираб, қўрқиб туриш деб айтишган. Чунки жониворларнинг ичидаги хавфсираб, қўрқиб турадигани бу күшдир.

Аллоҳ таоло: «Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Албатта Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонлар қўрқур», деб айтган. (Фотир сураси, 35-оят).

Юқоридаги ҳадисда хавф ғолиб келган қавмни ирова қилинган. Салафларни зикр қилинганида, улардаги хавфнинг шиддатини айтилган.

Баъзилар бу ҳадисдан мақсад таваккал қилувчилар, деб айтишган.

Баъзилар эртаю кеч ризқни ғам қилишдан омонда бўлганлар назарда тутилган деб айтиб, қуидаги ҳадисга ишора қилишган.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганларингизда эди, худди қорни оч ҳолда кетиб, тўйган ҳолда қайтиб келадиган қуш каби ризқлантирилган бўлар эдингиз!»**, дедилар».

(*Термизий, Насоий, имом Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»да ривоят қилган. Абу Исо Термизий: «Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳдир», деган).*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

